

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги,



Президент таълим муассасалари
агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги ва Ёшлар ишлари
агентлигининг

2022 йил "5" апрел даги
154/15-У/19 ва 01-07/19-сон қарорига
ИЛОВА

Ўқувчи-ёшлар ва талабалар учун “Заковат стипендияси”ни бериш ва тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб “Заковат” интеллектуал ўйини ва бошқа интеллектуал ўйинларнинг (кейинги ўринларда - интеллектуал ўйинлар) республика босқичида ғолиб ва совриндор бўлган жамоа аъзолари (кейинги ўринларда - ўқувчи-ёшлар ва талабалар) учун йил давомида ҳар ойда бериладиган “Заковат стипендияси”ни бериш ҳамда уни тўлаш тартибини белгилайди.

Интеллектуал ўйинлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 20 январдаги ПҚ–96-сон қарори 3-бандига мувофиқ ташкил этилган “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантириш бўйича республика ташкилий қўмитасининг баёни билан тасдиқланади.

2. “Заковат стипендияси” интеллектуал ўйинларнинг республика босқичида 1, 2 ва 3-ўринларни олган ўқувчи-ёшлар ва талабаларга Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда - агентлик) орқали Давлат бюджетидан “Заковат интеллектуал клуби” нодавлат нотижорат ташкилотига (кейинги ўринларда - интеллектуал клуб) ажратиладиган маблағлар ҳисобидан тўланади.

3. Мазкур низом талаблари умумий ўрта таълим мактаблари, Президент таълим муассасалари, ўрта махсус ва профессионал ҳамда олий таълим муассасаларида (кейинги ўринларда - таълим муассасалари) фаолият юритаётган “Заковат” интеллектуал клублари доирасида ўтказиладиган интеллектуал ўйинларнинг республика босқичида ғолиб бўлган ўқувчи-ёшлар ва талабаларга нисбатан татбиқ этилади.

2-боб. “Заковат стипендияси”ни бериш тартиби

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, агентлик ҳамда интеллектуал клуб масъул ходимларидан ташкил топган интеллектуал ўйинларнинг ташкилий комиссияси (кейинги ўринларда - ташкилий комиссия) интеллектуал ўйинларнинг республика босқичи якунларидан сўнг уч кун ичида унинг натижаларини тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилади ҳамда интеллектуал ўйинларнинг республика босқичи ғолибларини белгилайди.

5. Ташкилий комиссия қарори интеллектуал ўйинларнинг республика босқичида иштирок этган ҳамда 1, 2 ва 3-ўринларни олган жамоаларнинг таълим муассасаларига ҳамда тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юборади.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги интеллектуал ўйинларнинг республика босқичи ғолиб ва совриндор бўлган ўқувчи-ёшлар ва талабалар тўғрисидаги маълумотларни илова қилган ҳолда агентликка “Заковат стипендияси”ни ажратиш тўғрисида тақдимнома йўллайди.

7. Тақдимномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

б) “Заковат стипендияси” интеллектуал ўйинларнинг республика босқичида 1, 2 ва 3-ўринларни олганлик тўғрисидаги дипломнинг асл нусхаси;

в) ўқувчи-ёшлар ва талабалар номига очилган банк пластик карталари рақами;

г) “Заковат стипендияси” совриндори гувоҳномасининг асл нусхаси.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатлар талаб қилинмайди.

8. Агентлик директори келиб тушган тақдимномани 15 иш кунни давомида кўриб чиқади ҳамда интеллектуал клубга ажратилган маблағлар ҳисобидан “Заковат стипендияси”ни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади ва қарорни тегишли вазирлик ва идораларга йўллайди.

3-боб. “Заковат стипендияси”ни тўлаш тартиби

9. “Заковат стипендияси” интеллектуал ўйинларнинг республика босқичида:

1-ўринни олган ўқувчи-ёшлар ва талабаларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдориди;

2-ўринни олган ўқувчи-ёшлар ва талабаларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдорида;

3-ўринни олган ўқувчи-ёшлар ва талабаларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдорида белгиланади ва бир йил давомида ҳар ойда тўлаб борилади.

10. Ўқувчи-ёшлар ва талабалар битирувчи курс талабаси ёки битирувчи синф ўқувчиси бўлган тақдирда, бир йиллик стипендия миқдори уларнинг агентлик директори номига ёзилган илтимосномасига мувофиқ бир мартабалик тўлов орқали тўлаб берилиши мумкин.

11. “Заковат стипендияси” ўқувчи-ёшлар ва талабаларга ўз вақтида тўланмаган тақдирда ўқувчи-ёшлар ва талабалар агентликка мурожаат қиладилар.

12. Агентлик стипендия тўланмаганлиги тўғрисидаги мурожаатни ўрнатилган тартибда кўриб чиқиши ҳамда “Заковат стипендияси”ни ўқувчи-ёшлар ва талабаларга тўлаш чораларини кўриши лозим.

4-боб. Якуний қоидалар

13. Мазкур низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.